

## ЖАДИДЧИЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН ДАВР

**Жафар Мустафаев** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ўқитувчisi.

e-mail: [mustafayevj@mail.ru](mailto:mustafayevj@mail.ru) Tel: +99897. 394-48-89. Ўзбекистон.

**Аннотация:** Ушбу мақолада жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, Туркистон ўлкасида кенг ёйилиши, Беҳбудийнинг бу ҳаракатдаги ўрни, иштироқи, қўшган ҳиссаси ёритилади. Шунингдек, юртимиздаги миллий озодлик ҳаракатлари, миллий-маданий юксалиш, таълим ва маориф, XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистон заминидаги ижтимоий-сийсий воқеаларни ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** жадидчилик, жадид, Маҳмудхўжа Беҳбудий, “Оина жаҳон”, ислоҳот, дунёвий фанлар, матбуот, миллий манфаатлар, миллий озодлик ҳаракати, адабиёт, таълим-тарбия.

Марказий Осиёда XIX аср охири XX аср бошларида берган ижтимоий-сийсий воқеалар жадидлар фаолиятида ўз аксини топган. Адабиётшунос олим, профессор Н.Каримов ўз илмий ишларида, «**Жадидчиликнинг качон бошланганилиги принципиал аҳамиятга молик**» деб айтиб ўтган.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, жадидчиликдек кенг кўламли ҳаракатнинг бошланниш даврини аниқламасдан туриб, у қандай омиллар таъсирида вужудга келганилиги, мазмун-моҳияти нималарда ифодаланиши, намоёндалари, булар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудий қандай маслак-эътиқодда фаолият юритганлигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри изо хлаб бўлмайди.

Професор Н.Каримовнинг фикрича, «Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг бошланиши масаласида якин вактларгача тарихчи ва файласуфлар, илм аҳли даврасида яқдиллик булган. Улар жадидчиликнинг XX аср бошларида Россия, Туркия ва Эронда руй берган инқилобий ҳаракатлар таъсирида майдонга келгани хақида ягона фикрда бўлганлар. Аммо, кейинги йилларда худди шу масалада ўзгача фикрлар ҳам ўртага ташланмоқда». Албатта бу ҳам фикрлар хилма хиллигини, хурфиқлиликни юзага келтиради. **Негаки, биринчидан, жадидчилик ҳаракати майдонга келишини фақат Россия (1905-1907), Туркия (1908), Эрондаги (1905-1911) инқилобий чиқишларга боғлаш бир ёқламалик бўлиб, бу фикр гўё Туркистоннинг ўз заминида ушбу ғоялар ва ҳаракатнинг пайдо бўлиши, илдиз отиши ҳамда ривожланиши учун зарур омиллар етарли эмасди, деган ноўрин хуносага олиб келиши мумкин. Иккинчидан, тадқиқотчиларнинг бу мамлакатлардаги инқилюбий воқеалар Туркистон**

жадидчилик ҳхаракатига таъсир кўрсатганилиги хақидаги мулоҳазалари масаланинг ички мазмун-моҳиятидан, ўзагидан эмас, балки ташқи аломатларидан келиб чиқиб айтилган. Аслида бу инқилоблар бирданига, тасодифан юз берган эмас: уларни келтириб чиқарган шартшароитларнинг пишиб етилиши учун қанча вақт, қанча йиллар талаб этилган. Колаверса, Б.Қосимов ёзганидек, «**Ҳар бир ходиса сингари жадидчиликнинг майдонга келиш шарт-шароити, сабаблари бор. Ўз тарихи, тақдири бор. У тасодифий ходиса эмас, муайян шароит махсуси, эҳтиёж фарзанди. У бундан юз йил олдинги мустамлака Тур-қистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиётга бўлган ҳаётий эҳтиёжи туфайли дунёга келди»<sup>1</sup>.**

Тарих фанлари доктори, профессор X.Зиёев шу жиҳатдан ғоят тўғри уқтирганидек, жадидчиликнинг мустақиллик ва озодлик билан суғорилган ғоялари «...аввалимбор XIX асрнинг 50-70 йилларида ўзбек халқининг Россия тажовузига қарши жангларида ўз ифодасини топган эди. Улар рус давлатининг Туркистон заминида ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин хам халқнинг қалбида жуш уриб турди. Чунки рус давлати мин-тақада миллий давлат ва қўшинни тугатиб, мустақилликни барбод этди. У ўзининг манбаатларини таъм инлайдиган сиёсий-маъмурний тизимни ташкил этиб, бутун минтақанинг ягона эгаси бўлиб қолди»<sup>2</sup>.

Булар жадидчилик ғояларининг сиёсий замини ҳисобланса, масаланинг ижтимоий-иктисодий жиҳати хам борки, улар хусусида тўхтамаслик мушоҳадани далилсиз холатга тушириб қўяди. Чор Россияси хукумати Туркистонда ўзига мустаҳкам таянч хосил қилиш мақсадида рус шаҳарлари хам да ўлкаларини бунёд этди. XIX асрнинг охирига келиб ўлкадаги руслар 200 минг кишига яқинлашиб қолди. Оқибатда Туркистон аҳолиси дехқончилик ва чорвачилик қилиб келган суғориладиган ерлару яйловларининг талай қисмидан маҳрум этилди. Таниқли давлат ва жамият арбоби Т.Рискулов афсус ила хотирлаганидек, тез орада «**Туркистонда ишлатилмокда бўлган ерларнинг 55 фойзи рус келгиндилирининг кўлига ўтди**».<sup>3</sup> «Кўчиб келганлар сифатида эса, мулқорлигидаги фаркларга (яни, дворян, савдогар, бой, дехқонлигига) қаралмасдан, факат русларгина тан олиниши мумкин эди». Бу борада Курск губерниясидан Давлат думаси депутати Марков иккинчининг «маслаҳати» кўл келди. «Приват рус кишисига, - деганди у дума мажлисида, - Ўрта Осиёда

<sup>1</sup>Қосимов Б. Жадидчилик. // «Ўзбек тили ва адабиёти». 1990.4-сон. 15-бет.

<sup>2</sup>Зиёев X- Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий замини ( XIX асрнинг бошпяни ) / «Жадидчилик» » 9-бет

<sup>3</sup>Иктибослар М.Хасанийнинг «Юрт буйнидаги килич ёки истило» китобидан олинди. - Т., «Адолат», 1997, 83, 81-бетлар.

биринчи ўринни бериш керак. Бошқалар, иккинчи навлиларни жойлар тозаланиб бўлгандан кейингина бу ерларга кўйиш мумкин»<sup>1</sup>.

Агар 1886 йилда етиштирилган пахта хажми З миллион пудни ташқил этган бўлса, деярли ҳаммаси Россияга олиб кетилди. Улар ўлка хом-ашёсини арzon нархларда харид қилиб олишдангина эмас, балки ташиб келинаётган турли саноат маҳсулотларини сотишдан ҳам катта даромад кўрдилар. **Можор сайёхи ва тарихчиси X. Вам бери пайқаганидек, «Ўрта Осиёда муйайян бир рус буюми учрамайдиган бирорта хонадон, бирорта дўкон қолмади»**<sup>2</sup>. Бу билан рус калондум оғ ёзувчиси Ф.Достоевскийнинг «Осиёга кириб борсанқ, биз у ерларда арбоблар саналамиз, бизда мустакил иш юритиш руҳи ўйгонади, биз уддабурон халқ бўлиб қоламиз. Европада дум бўлгандан кўра, Осиёга бош бўлган афзал»<sup>3</sup> деган «орзу»ларини амалга оширишга ўриндилар.

Мустамлақачилик сиёсати ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан бирга маънавий-рухий ҳаётига ҳам катта зарба берди. **Вақф мулки қисқартирилиши оқибатида мадраса ва масжидлар ривожланишдан тўхтади.** Шариат ҳимоячилари бўлмиш қозилик судлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Генерал-губернаторлик халқ маорифини тараққий эттириш ўрнига, олдига баланд тўсиклар кўйди. Зоро, **биринчидан**, Й.Охунбобоев кейинчалик хотирлаганидек, «Эксплуатация қилинадиган меҳнаткашлар ом масини мактабга бериб уқитиш ва уларнинг маданий савияларини кўтариш - бу чоризмсиёсати учун тўғридан-тўғри ўз-ўзини ўлдириш билан баравар эди»<sup>4</sup>. **Иккинчидан**, генерал-губернатор Фон Кауфманнинг шовинистик иродасини ифодалаган қатъий кўрсатмаси бор эди. «Бу халқаяъни туркистонликларга, халқимизга - деганди у, - иложи борича мумкин қадар кўпроқ, пахта эктириш, уларни тинимиз изашлашга мажбур этиш керак, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни уйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хоҳиши қолмасин»<sup>5</sup>.

«Ўрта Осиёнинг бу тарихий ноҳақликка нисбатан жавоби, - дейди таникли олимларимиздан Д.Алимова, - миллий ва маданий юқосалиш, озодлик ва мустақиллик учун ниҳоятда кенг қамровли ижтимоий ҳаракатга киришишидан иборат бўлди». <sup>6</sup> Шуларга асосланиб айтиш мумкинки, Туркистонда жадидчilik ғоялари ва ҳаракатининг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам **маънавий замини XIX асрнинг охирги чорагида тўла-тўқис етилиб бўл-** ганди.

<sup>1</sup>История народов Узбекистана. -Т., изд-во АН УзССР. 1947. стр. 400.(«Изоҳлар»га каражанг. -1.)

<sup>2</sup>Кўчишималар М.Хасанийнинг «Юрт буйниллаги кипич ёки истило» китобидан олинди. -Т., «Адолат», 1997.

81 78-бетнан

<sup>3</sup>Кўчишималар М.Хасанийнинг «Юрт буйниллаги кипич ёки истило» китобидан олинни -Т «А поптав»,

<sup>4</sup>Охунбобоев Й. Таштанган ясарлар (тўлпилилган иккинчи натижи) -Т «Ўзбекистон» 1985 108-бет

<sup>5</sup>Иктибос М.Хасанийнинг «Юрт буйниллаги кипич ёки истило» китобидан олинди. -Т., «Адолат», 1997, 82-бет.

<sup>6</sup>Алимова Д. Хақиқатнинг туташ манзили. // «Тафаккур», 2000, 2-сон, 55-бет.

Марказий Осиёда жадидчилик ғоялари XX асрнинг бошларида эмас, балки XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келганлигини бир қанча вақт Бухоро ва Самарқандда таҳсил олган, имомлик, мударрислик, муфтилик қилган татар исло хотчилари Абдуносир Курсавий (1765-1813) ҳам да Шаҳобиддин ибн Баҳруддин Маржонийнинг (1818-1889) фаолияти ҳам исботлаб беради. Курсавий ислом ақидаларига кўр-кўронга ишонишни коралагани учун Бухоро амири томонидан ўлимга ҳукм этилса, баъзи докторатик карашларни танқид қилгани боис Самарқанд уломалари ҳам уни кўвғинга учратдилар. Исмоил Гаспиралининг (1851-1914, «Изоҳлар») устози Маржоний эса биринчи бўлиб мадрасалар дастурини жиддий танқид қилган, уларда дунёвий фанлар ўқитилиши зарурлиги масаласини ўртага ташлаган, рус тилини ўрганиш тарафдори бўлган.<sup>1</sup>

Исло хотчилар рахнамоси, Исмоил Гаспиралининг устози, Шаҳобиддин Маржоний ўз жадидий дастурида қуидаги масалаларни таъкидлаб ўтган:

1. Қуръони Каримдаги ҳар қандай диний масалани кишилар тушунган ҳолда ўзлари эркин фиқр юритсинлар.
2. Бирорнинг бирорвога кўр-кўrona эргашиши қатъяни ман килинсин.
3. Мадрасаларда ўқитиладиган ҳошия ва шарҳ каби қуруқ мазмунга эга, мадраса талабалари учун фойдасиз бўлган ва уларнинг 8-10 йил вақтини бекорга оловчи машғулотлар дарс жадвалларидан чиқариб ташлансан.
4. Мадрасаларда Қуръони Карим, хадиси шарифларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.
5. Дунёвий фанлар ўқитилиши зарурлиги масаласини ўртага ташлаган, рус тилини ўрганиш тарафдори бўлган.
6. Мусулмонликни Муҳаммад Пайғамбар давридаги қадимги ислом маданиятига қайтариш.<sup>2</sup>

Шу ўринда Махмудхўжа Беҳбудийнинг жадидчилик ғоялари билан ошно бўлиши, уларни маъқул топиши, ҳаракатга келиб қўшилиши ва етакчисига айланиши шарт-шароитлари ҳам да омиллари хусусида алоҳида тўхталмоқ зарур. Бунинг учун, табиийки, унинг серқирра таржимаи ҳолига оид энг мухим маълумотларни нигоҳдан ўтказиш лозим бўлади. Зоро, «....Беҳбудийнинг жадидлар ҳаракатини ўюштириш, миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидаи бирига айланиши дабдурустдан бўлган эмас».<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Махмудов F. Жалип азабийтилемиппий истиқтол ғояси - Т «Ўзбекистон» 1999 21-бет

<sup>2</sup> Йулдишев Ж. Ҳасанов С. Жалип таъбиятиносиги асосини - Т «Ўқитувчи» 1994 25-26-беттап. Багоутдинов Л.М. Очерки по истории таджикской философии. -Сталинобол «Таджик Госизлатор». 1961 стр 261-262.

<sup>3</sup> Дўстқораев Б. Муроди - ҳакикулда жон фидо этиш эди. // «Жаҳон адабиёти», 1998, 9-сон, 151-бет.

Махмудхўжа таваллуд топган сана тўғрисида шуни айтмоқ лозимки, у ҳали-ҳамон икки хилда талқин этиб келинмокда. Аксарий олим ларнинг чиқишиларида бу зотнинг 1875 йил 17 январда дунёга келганиниг кайд этилади. Бирок Н.Авазов «Махмудхўжа Беҳбудийнинг туғилган йили хусусидаги икки хилликка аниқлик киритиб бўладими?» деган саволга «Ха», деб жавоб бериш учун ишончли асос бор» лигини таъкидлайди. Унингча, «Бундай энг ишончли манбалардан бири Ҳожи Муъин Шукруллонинг «Зарафшон» газетасида (1923 йил 25 март) босилган фикридир». <sup>1</sup> Ҳожи Муъин эса Махмудхўжани 1873 йили, яъни «1291 хижрий зулхижжа ойининг ўнинда оқшом (1873 милодий хамал ойига мутлақ...) таваллуд топган», деб кўрсатади. <sup>2</sup> Профессор Б.Косимов Х.К.Барановнинг «Арабско - русский словарь»дан ўрин олган «Таблица соглосования» номли мақолачасига суюниб, бу фикрни рад этади. «1291 йилнинг бошланиши (1-муҳаррам), - дейди муаллиф,-1874 йилнинг 18 феврал чоршанба кунига тўғри келади. Зулхижжа сўнги ойдир. Унинг 10-си 335-кун бўлиб, жамланганда 1875 йил 19 январ келиб чиқади». <sup>3</sup> деб таъкидлаган.

Йирик жадидшунос Б.Косимовнинг мазкур далолатномаси ўзгача исботни тақозо этмайди. Демак, Махмудхўжа аслида 1875 йил 19 январда Самарқанд уездининг Сиёб бўлисида (волостида) Баҳшитепа қишлоғида (ҳозир Тайлок тумани худуди) ёргу олам юзини кўрганлиги хақидаги фикрларга қўшилмоқ бошқаларини янглиш деб хисобламоқ керак. Махмудхўжанинг насл-насиби, у дунёга келган оила хусусида ҳам муҳтасарина тўхталмоқ жоиз. Тадқиқотларнинг кўпчилигида, жумладан Б.Косимовнинг чиқишиларида, Махмудхўжа руҳоний оиласида туғилгани, отаси Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли имом-хатиблик билан шуғулланиб келгани, асли туркистонлик шайх Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан бўлгани кайд этилади. Бунга қўшимча маълумотларни Д.Алимова билан Д.Рашидованинг рисоласидан топамиз. Муаллифлар М.Беҳбудийнинг набираси, СамДУ профессори бўлиб ишлаган Нодим Беҳбудий гувоҳлигига таяниб ёзадиларки, Ҳожа Аҳмад Яссавий асли хоразмлиқ, Яссига ислом эътикоди арконларини ёйиш учун кўчиб ўтган ва авлодларининг бир қисми иамир Шоҳмурод замонида (1785-1800) Самарқандга келиб қолган ҳам да бу ерда «Гузари Махдуми Хоразм»ни бунёд этган. Беҳбудийнинг она томондан бобоси шаҳар ва унинг теварак-атрофида Кори Ниёзхўжа Урганжий номи билан машҳур бўлган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Авазов Н. Беҳбудий качон туғилган? // «Ўзбекистон алабиёти ва санъати». 1991. 19 июл.

<sup>2</sup> Муъин Х. Махмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржими холи. / Сайдов «Маърифат либосидаги озодлия».

- Т. «Мажлифат - Малалкот» 2000 129-бет

<sup>3</sup> Косимов Б. Қавонибоси / Беҳбулий М. "Танланган асанлар". - Т., «Маънавият». 1997. 7-бет.

<sup>4</sup> Алимова Д. Рашидова Д. Махмудхўжа Беҳбудий ва унинг тархий тафаккури. - Т., «Академия», 1999, 7- бет.

Шу ўринда «Нега унда Маҳмудхўж а Самарқанд шаҳрида эмас, балки волостнинг Бахшитепа қишлоғида туғилган?» деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби, Хожи Муъин гувоҳлик берганидек, Беҳбудхўжа Солиххўжа «1868 йили рус аскарлари Самарқандга киргач, оиласини олиб уезднинг Сиёб бўлисидағи Бахшитепа қишлоғига кўчиб чиққан» лигидир.<sup>1</sup>

Насл-насаби ҳақида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўзи таниқли этнограф Г.В.Андреевга шундай деган: «Боболаримиз араб бўлганлар. Аммо бу, албатта, кам деганда 100-200 йиллар аввал бўлган бўлса керак. Ҳозир бизнинг уруғимизда арабликдан ном-нишон йўқчеч асар қолмаган».<sup>2</sup> Рус академиги А.Н.Самайлович бундан яхши хабардор бўлган шекилли, Маҳмудхўжа Беҳбудийни «...на тоҷик, ва на турк, асли «хўжа» булган самарқандлик муфтий...», деб таърифлайди.<sup>3</sup>

Хуллас, Маҳмудхўжа Беҳбудийга саййидзодалиқ, хожалик\* насиб этганки, унинг исми-шарифини ёзишда бу ҳолатга мумкин қадар эътибор бермоқ лозим. Назаримизда, билимдон адабиётшунос, Узбекистонда хизмат курсатган фан арбоби Солих Косимов Беҳбудхўжа Солиххўжа ўғлининг насл-насаби Хожа Аҳмад Яссавий авлодларига, демакки, Муҳаммад пайғамбар шажарасига бориб тақалишини тўғри хисобга олган ва энциклопедияда хам «Беҳбудий ва жадидчилиқ» сарлавҳали йирик маколасида хам («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 26 январ) алломанинг исмини «Маҳмудхўжа» деб қайд этган.

1914 йилда И.Гаспирали унга Истанбулда «Ай, хожа» дея мурожаат қилганини<sup>4</sup> эслатган. Шунга қарамай, аксарий тадқиқотчилар томонидан бу ўринли фикр илғаб олинмади, натижада Беҳбудийнинг исми ҳалигача турлича тарзда, баъзан «Маҳмудхўжа», айрим ҳолларда хатто «Маҳмудхўжа» кўринишда ёзиб келинмоқда.

Шундай қилиб, Маҳмудхўжа олти-етти ёшида ўқиш-ёзишни ўрганиб олади. Кейинрок Абдураҳмон Жомийнинг араб тили қоидаларига бағишлиланган «Шарҳи мулло» асарига меҳр қўяди, шунингдек, мантиқ илмига оид «Шамсия», хуқуқшуносликка доир «Муҳтасар ал-викоя», «Хидоя» кўлланмаларини ҳам да хисоб илмларини ўрганади. Аммо, Б.Қосимов ёзганидек, «Беҳбудийнинг мактаб-мадраса ҳаёти ҳақидаги маълумотлар нихоятда кам. Унинг замондошлари билан сұхбатларидан аён бўладики, Беҳбудий дастлаб Самарқанд мадрасасида, сўнроқ Бухорода яхшигина таҳсил курган. Анъанавий мадраса илмини пухта

<sup>1</sup>Муъин X. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // «Зарафшон». 1923. 25 марта.

<sup>2</sup>Андреев Г. Самаркандский журнал «Она» и его редактор-издатель МахмудХоджа Бегбуди./ «Туркестанские веломости» 1915 17 сентябрь

<sup>3</sup>Самайлович А. Драматическая литература сартов. // Вестник «Императорского общества востоковедения», - Петербург 1917 №5 с.1

\*Бу хадда қаранг: Ҳисанов Н. Сайил унвонни ёки исмми? // «Ўзбектили ва адабиёти», 1996, 6-сон, 45-46-бетлар; ЎзСЭ 14 жиппик 9-жипп. - Т 1977 429-бет

<sup>4</sup>Беҳбудий М. Исмоилбек ҳазратлари ила сұхбат. / Юкоридаги манба, 80-бет.

егаллаган Беҳбудий 1915 йилда этнограф Г.Андреев саволларига жавоб берар экан, мадраса таълимини алоҳида тилга олганлиги маълум. Хуллас, анъанавий таҳсил, сўнг эса ўз устида қўнт ва сабот билан ишлаш орқали у шариатнинг юксак мақомлари -қози мутти даражасига қўтарилади».<sup>1</sup>

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Беҳбудий яшаган давр ихтилоф лари, ижтимоий-сиёсий вазиятлар, кескин сиёсий бурилишлар, миллий озодлик ҳаракатининг энг кучайган вақти эди. Чор ҳукуматининг ўлкадаги мустабид тузумни ўрнатилиши билан боғлиқ кучли беаёв зулмлари ўз даврининг фидоийлари томонидан, керак бўлса жонини беришдек заруратни талаб этди.

Иккинчидан, сўниб бораётган фан, таълим, тарбия масалаларига жадидлар, шунингдек, Махмудхўжа Беҳбудий ҳам лоқайдларча қараб туралади. Учинчидан, ўта таҳликали вазиятларда илм-маърифатни қўтариш, миллий ўзлик масалаларини ёритиш, миллат келажаги ҳақида сўз юритиш ўз даври учун катта жасорат эди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қосимов Б. Жадидчилик. // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1990, 4-сон, 15-бет.
2. М.Хасанийнинг «Юрт буйнидаги қилич ёки истило» китобидан олинди. - Т., «Адолат», 1997,
3. История народов Узбекистана. -Т., изд-во АН УзССР. 1947,
4. Охунбобоев Й. Танланган асарлар (тўлдирилган иккинчи нашри). -Т., «Ўзбекистон», 1985,
5. Алимова Д. Ҳақиқатнинг туташ манзили. // «Тафаккур», 2000, 2-сон,
6. Махмудов Ф. Жадид адабиётида миллий истиқол юяси. - Т., «Ўзбекистон», 1999,
7. Йўлдошев Ж., Хасанов С. Жадид тарбияшунослиги асослари. - Т., «Ўқитувчи», 1994,
8. Багоутдинов Л.М. Очерки по истории таджикской философии. - Сталинобод. «Таджик Госиздат», 1961,
9. Вамбери X Маърифат йўлидаги уйғониш. // «Тафаккур», 2000, 2-сон,
10. Ал-Фарғоний. Жадид мактаблари қандай бўлган? // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1997, 18 июл.
11. Муъин X - Самарқанд матбуоти тарихи. // «Зарафшон» газетасининг 1923 йил 5 май 44-сонидан журналист Н.Файзиев табдили.
12. Н.Абдул Ҳакимнинг «Жаҳон бости кўрки илм бирла...» номли мақоласидан олинди. // «Жаҳон адабиёти», 2001, август,

<sup>1</sup> Қосимов Б. Карвонбоши. / Беҳбудий М. «Танланган асарлар». - Т., «Маънавият», 1997, 7-бет.

13. Сатторхон. Бир чимкентлик мусулмон ўтгон вақтларни ёдига солиб ёзгени. // «Соҳибқирон юлдузи» газетаси, 1998, 24 март. (Табдил этиб, нашрга тайёрловчи Ш.Юсупов).
14. Мўминов И. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тариҳидан. - Т., ЎзФА нашриёти, 1960,
15. Зиёев Х. Туркистанда Россия тажовузи ва хукмронлигига карши кураш (ХVIII-ХХаср бошлари). - Т.. «Маърифат - Мададкор», 1998,
16. Қосимов Б. Карвонбоши / Бехбудий М. "Танланган асарлар". - Т., «Маънавият», 1997,
17. Алимова Д. Раширова Д. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тархий тафаккури. - Т., «Академия», 1999
18. Муъин Х. Махмудхўжа Бехбудий. // «Зарафшон», 1923, 25 март.
19. Андреев Г. Самаркандский журнал «Оина» и его редактор-издатель МахмудХоджа Бегбуди. / «Туркестанские ведомости», 1915, 17 сентябрь.
20. Самайлович А. Драматическая литература сартов. // Вестник «Императорского общества востоковедения», - Петроград, 1917, №5,
21. Хусанов Н. Сайд унвонми ёки исм ми? // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1996, 6-сон, 45- 46-бетлар; УзСЭ. 14 жилдик, 9-жилд. -Т.. 1977,
22. Авазов Н. Махмудхўжа Бехбудий - маърифатпарвар. - Т., 1993,